


## КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК


2018 йилнинг январь-июнида 25,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 % кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (23,2 %), саноат тармоғида (22,0 %), қурилиш тармоғида (12,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (12,4 %), яшаш ва овқатланишда (7,7 %), ташиш ва сақлашда (3,9 %) ташкил этилган.

### 2018 йил январь-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши




**2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда).**



2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Тошкент шаҳрида 22,5 бирликда, Сирдарё вилоятида 17,9 бирликда, Жиззах вилоятида 16,4 бирликда, Тошкент вилоятида 15,0 бирликда, Навоий вилоятида 13,3 бирликда ва Қашқадарё вилоятида 13,2 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 10-13 бирлик оралиғида Бухоро, Андижон, Хоразм, Фарғона, Қорақалпоғистон Республикасида ва Самарқанд вилоятларида аниқланди. Наманган вилоятида 9,9 бирликда ва Сурхандарё вилоятида 9,0 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.


**Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони  
(хар 1000 аҳолига, бирликда), январь-июнь ҳолатига.**




2016 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (хар 1000 аҳолига, бирликда) 10,8 бирликда бўлиб, 2017 йилда 12,4 бирликни ташкил этди. 2018 йилда бу кўрсаткич 12,8 бирликка етди. Бу эса, 2016 йил кўрсаткичидан 2 бирлик юқори.

2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 49,2%ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-июнида 54,3%). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

**Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушининг  
пасайиши динамикаси январь-июнь ҳолатига, %**



## 2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши



Худудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши энг кўп Жиззах (73,5 %), Сурхандарё (72,9 %), Бухоро (71,1 %) ва Наманган (69,6 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда ва 31,2 %ни ташкил этади.

**2018 йил январь-июнида кичик тадбиркорликнинг  
худудлар бўйича улуши, %**

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>31,1</b>	<b>67,9</b>	<b>55,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	13,7	84,2	59,3
вилоятлар:			
Андижон	20,9	97,5	72,2
Бухоро	40,5	82,1	74,2
Жиззах	60,8	98,3	70,0
Қашқадарё	20,2	83,9	71,0
Навоий	12,9	62,1	62,7
Наманган	63,7	94,2	70,9
Самарқанд	52,4	98,8	75,0
Сурхандарё	41,3	81,8	72,9
Сирдарё	42,8	95,0	64,2
Тошкент	17,8	78,4	74,5
Фарғона	32,1	93,9	74,2
Хоразм	31,9	89,6	69,1
Тошкент ш.	68,0	72,7	49,9

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Тошкент шаҳри (68,0 %), Наманган (63,7 %) ва Жиззах (60,8 %) вилоятлари ташкил этади.

Қурилишда Самарқанд (98,8 %), Жиззах (98,3 %), Андижон (97,5 %) ва Сирдарё (95,0 %) вилоятлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Самарқанд (75,0 %), Тошкент (74,5 %), Фарғона ва Бухоро (74,2 %), Сурхандарё (72,9 %), Андижон (72,2 %) вилоятлари ташкил этади.

2018 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 29234,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 31,1 %и) ёки 2017 йилнинг январь– июнига нисбатан ўсиш суръати 106,6 %ни ташкил қилди;

– 16360,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 39,7 %и) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 123,6 %ни ташкил қилди;

– 14659,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,9 %и) бажарилди ва 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 108,6 %ни ташкил қилди;

– 36755,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 55,2 %и), 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 97,8 %ни ташкил қилди;


– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,0 %и ёки 55253,6 млрд. сўми (ўсиш суръати 2,4 %ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 2723,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 34,9 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 1022,8 млн. АҚШ долларига ёки 60,1 %га кўп;


– автомобил транспорти юк айланмасининг 4,3 %га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,7 %) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 2,6 %га (умумий йўловчи айланмасининг 95,1 %) кўпайиши таъминланди;

### Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан %да)




## 2018 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулотли ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати




Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (11026,1 млрд. сўм), Тошкент (2736,5 млрд. сўм) ва Самарқанд (2626,0 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига ҳиссасига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикасида (576,2 млрд. сўм) ва Сурхандарё вилоятида (528,8 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

## 2018 йил январь-июнида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (10367,3 млрд. сўм), Тошкент (5780,2 млрд. сўм), Самарқанд (5016,9 млрд. сўм), Фарғона (4991,1 млрд. сўм) ва Андижон (4501,0 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

### 2018 йил январь-июнида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати



Худудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (10633,8 млрд. сўм), Тошкент (3709,8 млрд. сўм) ва Самарқанд (3355,7 млрд. сўм), Фарғона (3067,8 млрд. сўм) ва Андижон (2634,2 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.


Иқтисодий фаолияти турлари бўйича 2018 йил II - чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 740дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 23,6 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 56,2 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 26,3 % ва 58,3 %, хизматлар соҳасида – 26,9 % ва 53,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 23,1 % ва 59,3 %, саноатда – 29,7 % ва 50,0 %ни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 20,3 %, қурилишда – 20,2 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 17,6 %, хизматларда – 19,2 % ва савдода – 15,4 %ни ташкил қилди.




**Иқтисодий вазиятни баҳолаш  
2018 йил II – чорак учун, %**



**Иқтисодий вазият яхшиланиши яқин уч ойда 66,3 % саноат корхоналари, 68,6 % – савдо, 62,1 % – хизматлар, 79,1 % – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда 67,4 % – қурилиш тармоғида кутилмоқда.**

**Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини  
яқин уч ойда баҳолалиши, %**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилатган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.